


## XV. ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

### 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мамлакатимизда ҳар чоракда кичик корхоналар, микрофирмалар ва фермер хўжаликларисиз ҳамда йилда бир маротаба республиканинг барча корхона ва ташкилотлари, жумладан кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда фермер хўжаликлари бўйича шакллантирилади.

2024 йил январь-декабрь ойларида республикаимизда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 357,2 минг сўмни ташкил қилиб, ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (9 072,4 минг сўм), Навоий (6 766,1 минг сўм), Тошкент (5 097,9 минг сўм) ва Андижон (4 616,1 минг сўм) вилоятларида, нисбатан паст кўрсаткичлар эса Қашқадарё (3 785,7 минг сўм), Сурхондарё (3 810,3 минг сўм), Наманган (3 869,2 минг сўм) ва Фарғона (3 965,6 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

#### Ўртача ойлик иш ҳақи ҳудудлар кесимида (январь-декабрь ойлари бўйича, минг сўмда)




## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичи юридик шахслар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида, жами ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сонига бўлиш орқали ҳисобланган. Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини ҳисоблашда корхона ва ташкилотлардаги бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар, ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар инобатга олинмаган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 357,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,4 % га юқори бўлди. Ушбу кўрсаткични 2020 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганда 2,0 баробарга ўсганлиги кузатилди.

### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси

(январь-декабрь ойлари бўйича, минг сўмда)




● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш, % да

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (121,4 %), Самарқанд (117,6 %), Сирдарё (116,7 %) ҳамда Наманган (116,5 %) вилоятларида кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**


Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан Тошкент шаҳри (169,3 %) ва Навоий вилоятида (126,3 %) юқори даражада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кузатилди.

**Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан  
худудлардаги ўртача ойлик иш ҳақи**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда корхона ва ташкилотларда меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар ҳисобга олинган. Таълим (37,8 %), саноат (18,1 %) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (16,7 %) соҳаларида ишловчи ходимлар жамига нисбатан юқори улушга эга ҳисобланади.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимлар сонининг  
жамига нисбатан улуши**  
(январь-декабрь ҳолатида, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча тўловлар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация ва ишламаган вақти учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва касаба уюшмасига ажратмалар киради.

2024 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти (15 263,7 минг сўм), ахборот ва алоқа (13 157,4 минг сўм) ҳамда ташиш ва сақлаш (8 113,3 минг сўм) соҳаларида юқори кўрсаткич қайд этилди.


**Ўртача ойлик иш ҳақининг тармоқлар бўйича ўзгариш динамикаси**  
(январь-декабрь, минг сўм)



**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

Таълим (жамига нисбатан 67,9 %) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (жамига нисбатан 63,7 %) соҳаларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Республикадагига нисбатан паст даражада қолмоқда.

**Баъзи тармоқлар бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг  
Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбати**  
(январь-декабрь, % да)




**Маълумот учун:**

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига сўнгги марта 2024 йил 1 октябрь ўзгартириши киритилди ҳамда 1 155,0 минг сўмга етказилди.



Батафсил  
маълумот олиш  
учун QR-коддан  
фойдаланинг.




2024 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинмаган, чунки фермер хўжаликлари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари йилда бир марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.


Барча юридик шахслар бўйича номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2023 йилда 3 799,6 минг сўмни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 18,6 % га ўсган.



**Йиллар кесимида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан бирга)  
**ва истеъмол нархлари индекси кўрсаткичлари, % да**




**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори динамикаси, сўмда**



**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

Ойлар кесимида таҳлил қилганда, ўртача ойлик иш ҳақи декабрь ойида (6 380,1 минг сўм), октябрь (5 667,6 минг сўм) ва ноябрь (5 643,1 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори бўлган.

### 2024 йилларда ўртача ойлик иш ҳақининг ойлар кесимидаги динамикаси



## 2-БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИДА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

### Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)



2024 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг баланд кўрсаткичи – банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасига тўғри келиб, 15 263,7 минг сўмни ташкил этди.


Шунингдек, ахборот ва алоқа соҳаси 13 157,4 минг сўмни, ташиш ва сақлаш соҳаси 8 113,3 минг сўмни ва саноат соҳаси 6 439,9 минг сўмни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилди. Таълим (3 637,0 минг сўм) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши (3 411,0 минг сўм) соҳалари эса бошқа соҳаларга нисбатан энг куйи поғоналарда эканлигини кўришимиз мумкин.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи



Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи декабрь ойида (7 436,7 минг сўм), октябрь (6 672,5 минг сўм) ва ноябрь (6 641,1 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)




Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи (9 132,8 минг сўм), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (7 471,4 минг сўм) ҳамда ишлаб чиқариш саноатида (6 181,0 минг сўм) кузатилди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи



2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, саноат соҳасида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш (9 132,8 минг сўм) ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (7 471,4 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

### Саноат соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)




### Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш, % да

### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)




● ўсиш, % да

Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 6 439,9 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,8 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Навоий вилояти (9 667,6 минг сўм), Тошкент шаҳри (7 478,6 минг сўм), ҳамда Андижон (6 605,5 минг сўм) вилоятларида кузатилди.


## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (6 682,4 минг сўм), август (6 652,3 минг сўм) ва октябрь (6 432,8 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.


### Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)



### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)




Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 5 973,6 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилояти (8 568,4 минг сўм), Навоий вилояти (7 323,4 минг сўм) ҳамда Тошкент шаҳрида (7 176,7 минг сўм) қайд этилди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (6 846,4 минг сўм), июль (6 580,1 минг сўм) ва август (6 443,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи




### Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)



Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш соҳасида (7 769,9 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса автомобиль ва мотоциклларнинг савдосидан ташқари чакана савдода (5 676,4 минг сўм) кузатилди.

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, савдо соҳасида автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш (7 769,9 минг сўм) ҳамда автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо (6 692,0 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

**Савдо соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси**  
(январь-декабрь, минг сўм)




**Худудлар кесимида**  
(январь-декабрь, минг сўм)



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш, % да

**Ўртача ойлик иш ҳақининг**  
йиллар кесимидаги динамикаси  
(январь-декабрь, минг сўм)




Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 6 235,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,6 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (7 001,2 минг сўм), Жиззах (6 892,5 минг сўм) ва Бухоро вилоятларида (5 493,8 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (8 856,6 минг сўм), июль (8 668,0 минг сўм) ва август (8 423,8 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолиятида (9 599,9 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса почта ва курьерлик фаолиятида (3 875,0 минг сўм) кузатилди.

### Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)



9 599,9

Омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолияти



6 929,3

Қуруқликдаги ва қувур транспорти




3 875,0

Почта ва курьерлик фаолияти


Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, ташиш ва сақлаш соҳасида омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолияти (9 599,6 минг сўм) ҳамда курукликдаги ва қувур транспорти (6 929,3 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

**Ташиш ва сақлаш соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)**




**Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)**



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш, % да

**Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)**



● ўсиш, % да


Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 8 113,3 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Самарқанд вилоятида (9 921,4 минг сўм), Тошкент шаҳрида (9 280,2 минг сўм) ва Хоразм вилоятида (8 944,9 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**



Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (15 833,5 минг сўм), август (13 698,9 минг сўм) ва ноябрь (13 219,7 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматларда (18 288,6 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса алоқа соҳасида (10 917,1 минг сўм) кузатилди.

### Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)




Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи



Тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, ахборот ва алоқа соҳасида компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар (18 288,6 минг сўм) ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш соҳасидаги фаолият (16 900,8 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

**Ахборот ва алоқа соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси**  
(январь-декабрь, минг сўм)




**Худудлар кесимида**  
(январь-декабрь, минг сўм)



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши (камайиши), % да

**Ўртача ойлик иш ҳақининг**  
йиллар кесимидаги динамикаси  
(январь-декабрь, минг сўм)




Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 13 157,4 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,2 % га ошди. Худудлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (14 857,6 минг сўм), Андижон (9 024,6 минг сўм) ҳамда Самарқанд вилоятларида (8 944,7 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал**  
ҳисобланган иш ҳақи

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (22 277,8 минг сўм), август (16 102,1 минг сўм) ва апрель (15 669,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолиятида (17 848,5 минг сўм) энг паст кўрсаткичи эса суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматларда (15 004,1 минг сўм) кузатилди.


### Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)



Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолияти (17 848,5 минг сўм) ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолият (16 579,7 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари кайд этилганини кўриш мумкин.


**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)**



**Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)**



**Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси (январь-декабрь, минг сўм)**




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 15 263,7 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,3 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (18 904,4 минг сўм) ва Андижон вилоятида (14 317,9 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (4 139,6 минг сўм), ноябрь (4 008,5 минг сўм) ва октябрь (3 960,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи олий таълимда (8 562,1 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса мактабгача таълимда (1 963,3 минг сўм) кузатилди.


### Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи (январь-декабрь, минг сўм)



Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

2024 йил январь-декабрь даврида тармоқлар кесимида таҳлил қилганда, таълим соҳасида олий таълим (8 562,1 минг сўм) ҳамда техник ва профессионал таълим (3 750,0 минг сўм) тармоқларида юқори иш ҳақи кўрсаткичлари қайд этилганини кўриш мумкин.

**Таълим соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси**  
(январь-декабрь, минг сўм)




**Худудлар кесимида,**  
(январь-декабрь, минг сўм)



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш, % да

**Ўртача ойлик иш ҳақининг**  
йиллар кесимидаги динамикаси,  
(январь-декабрь, минг сўм)




● ўсиш, % да

Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 3 637,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,4 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (6 091,2 минг сўм), Наманган (3 591,6 минг сўм) ҳамда Тошкент вилоятларида (3 591,2 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал**  
**ҳисобланган иш ҳақи**

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йил декабрь ойида (3 983,0 минг сўм), ноябрь (3 693,3 минг сўм) ва октябрь (3 685,3 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.


### Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)



### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси, (январь-декабрь, минг сўм)




Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 3 411,0 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,5 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (4 313,9 минг сўм), Хоразм вилоятида (3 700,8 минг сўм) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (3 648,4 минг сўм) кузатилди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи




Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йилнинг июнь (4 932,3 минг сўм), апрель (4 904,5 минг сўм) ва май (4 892,0 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.


**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи**



**Худудлар кесимида**  
(январь-декабрь, минг сўм)



**Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси**  
(январь-декабрь, минг сўм)




Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 4 670,7 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,4 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (5 179,4 минг сўм), Самарқанд вилояти (5 098,2 минг сўм) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (4 416,6 минг сўм) кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**



Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 2024 йилнинг декабрь (4 791,8 минг сўм), ноябрь (4 557,5 минг сўм) ва октябрь (4 519,5 минг сўм) ойларида бошқа ойларга нисбатан юқори шаклланган.

### Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Худудлар кесимида (январь-декабрь, минг сўм)



### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси



Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 4 310,1 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 % га ошди. Худудлар кесимида таҳлил қилинса, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилоятида (6 170,7 минг сўм), Тошкент шаҳрида (5 202,1 минг сўм) ҳамда Қашқадарё вилоятида (4 648,2 минг сўм) кузатилди.

● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш (камайиш), % да

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

**Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони** – ойнинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охириги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

**Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони** – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқxonанинг ўзидан янги туғилган чақалокни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек, таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.